

НОМУСГА ТЕГИШ ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ИСБОТЛАНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ҲОЛАТЛАР

Муродов Бахтиёржон Баходирович*

Қулбеков Ойбек Турсиналиевич*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10585459>

Аннотация: Мазкур мақола номусга тегиш жиноятларини тергов қилишда исбот қилишни амалга оширувчи суриштирувчи, терговчи, прокурор, судларнинг хусусан терговчининг ушбу турдаги жиноятларни тергов қилишда қайси жиҳатларга эътибор қаратиши лозимлигига бағишланган. Муаллиф номусга тегиш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда учрайдиган зиддиятли масалаларни олимлар билан ўзаро баҳсга киришиб, ҳар бир масала бўйича ўз тўхтамини беришга ҳаракат қилган. Шунингдек, таҳлил қилинаётган жиноятлар бўйича одам ДНК суд биологик экспертизасининг тайинланиши ва мазкур экспертизанинг номусга тегиш жиноятларини самарали тергов қилиш учун ижобий натижа бериши ҳақидаги жиҳатларга тўхталиб ўтган.

Калит сўзлар: номусга тегиш, жиноят иши, исботланиши лозим бўлган ҳолатлар, терговчи, далиллар, одам ДНК суд экспертизаси, жиноятларни тергов қилиш, тергов ҳаракатлари.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда «Инсон қадрини учун» деган эзгу ғояни тўлиқ рўёбга чиқариш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасидаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш, давлат органлари фаолиятига тизимли ва босқичма-босқич жорий этиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш, шунингдек, жамият ва ҳар бир фуқаро ҳаётига уларни татбиқ этиш Янги Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатида марказий ўринни эгаллаб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасида, зиммасига олган халқаро мажбуриятларини самарали бажаришга қаратилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегиясида белгиланган вазифаларнинг изчил амалга оширилаётгани унинг халқаро майдондаги обрўси янада мустаҳкамланишига ҳамда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат муносабати шаклланишига хизмат қилмоқда¹.

Х.Б.Жамолдинов ва А.С.Мирзаевларнинг фикрича, Жиноят-процессуал кодексининг 82-моддаси қоидаларини мазкур кодекс махсус қисмининг ўзига хос нормалари ва ушбу тоифадаги қилмишларни содир этишни тартибга солувчи қонунлар билан интеграциялашуви алоҳида турдаги жиноятлар гуруҳи учун исботлашнинг аниқ предметини ташкил қилади. Тегишли тоифадаги ишлар учун аниқланиши керак бўлган ҳолатлар рўйхатини тақдим этиш, терговчи учун ўзига хос ташкилий-тактик кўрсатма вазифасини ўтабгина қолмай, тергов жараёнида бўшлиқ ва ноаниқликларга йўл

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Тергов фаолияти кафедраси бошлиғи, ю.ф.д., профессор, полковник

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги Тергов департаменти бошлиғи ўринбосари, полковник

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2023 йил 12 майдаги “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 75 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги ПФ-70-сон Фармони // URL<https://lex.uz/uz/docs/6464217> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 26.03.2023 й)

қўймаслик билан бирга, криминалистик мазмун ҳам касб этади².

Қайд этиш лозимки, номусга тегиш жиноятларини тергов қилишда мазкур жиноятларнинг криминалистик тавсифи ҳамда юзага келадиган типик тергов вазиятларини таҳлил қилиш каби вазифалар қаторида, исботланиши лозим бўлган ҳолатларни ўрганиш, улар юзасидан далиллар тўплаш, текшириш ва баҳолаш масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларнинг тез, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текширилиши дастлабки терговнинг самарадорлиги ва сифати юқори бўлишини таъминлайди³.

Исботланиши лозим бўлган ҳолатлар жиноятларни тергов қилиш методикасининг муҳим қисмларидан бири бўлганлиги сабабли кўплаб олимлар ушбу масалага тўхталган. Б.Б.Муродов фикрича, исботлаш чегараси деганда, иш бўйича чиқарилган ҳулосаларнинг асослилигини тасдиқлаш учун далиллар, уларнинг манбалари ҳажми, шунингдек тергов версиялари, исботланиши лозим бўлган ҳолатларни текшириш доирасини белгилаб берувчи фаолиятни тушуниш лозим⁴.

Бу борада Р.С.Белкин ва бошқа криминалист олимлар ўз илмий ишларида жиноятларнинг айрим турларини (гуруҳларини) тергов қилишнинг хусусий криминалистик усулларини доимий равишда такомиллаштириш зарурлигини кўрсатиб, хусусий криминалистик усуллари таркибига янги элемент – исботланиши лозим бўлган ҳолатларни киритишни таклиф қиладилар⁵.

Ғ.А. Абдумажидов, Р.А. Алимова, Т.Э. Арипов ва бошқа олимлар исботланиши лозим бўлган ҳолатларга жиноятларнинг криминалистик тавсифи элементларидан бири сифатида қарашни таклиф қилишади⁶.

О.Д. Алланазаров эса исботланиши лозим бўлган ҳолатлар жиноятларни тергов қилиш хусусий методикасининг ажралмас таркибий қисми эканлигини, чунки исботланиши лозим бўлган ҳолатлар қилмишнинг нафақат криминалистик жиҳатларини, балки жиноий-ҳуқуқий ҳамда жиноят-процессуал аҳамиятга эга бўлган барча белги ва хусусиятларини аниқлаш ва текширишни ўз ичига олишини таъкидлайди⁷.

Номусга тегиш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда аввало, жиноятнинг исботлаш предмети ҳамда унинг чегараларини белгилаб олиш лозим. Бу терговчига терговни мақсадли олиб бориш, унинг якуний натижасини кўриш, жиноят қонунчилиги, криминалистик ва жиноят-процессуал вазифаларни ҳал қилиш имконини беради.

² Жамолдинов.Х.Б. Мирзаев.А.С. Ўзбошимчалик жиноятини тергов қилишда исботланиши лозим бўлган ҳолатлар. // Замонавий тадқиқотлар ахборотномаси 2023 йил. 4-сон июнь. Тошкент – 2023 йил // URL: <https://doi.org/10.5281/zenodo.8048365>

³ Абзалов А.Э. Жабрланувчининг ожиз аҳволдан фойдаланиб содир этиладиган жиноятлар бўйича дастлабки терговнинг хусусиятлари: Юрид.фан. ноз. ... дис. автореф. – Т., 2006. – Б. 11.

⁴ Жиноят-процессуал ҳуқуқ: Дарслик // юридик фанлар доктори, професор М. А. Ражабова таҳрири остида. Тўлдирилган ва қайта ишланган учинчи нашри. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 490 б.

⁵ Белкин Р.С. Криминалистика: проблемы сегодняшнего дня. Злободневные вопросы Российской криминалистики ib.maupfib.kg/wp-content/uploads/2015/12/kriminalistika.pdf (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 24.03.2022 й). Филиппова А.Г. Криминалистика: Учебное пособие в схемах// <http://lawlibrary.ru/izdanie503.html> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 24.03.2022 й). Аверьянова, Р.С. Белкин, Ю.Г. Корухов, Е.Р. Россинская; Криминалистика: Учебник для вузов /<https://znanium.com/catalog/document?id=416664> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 24.03.2022 й)

⁶ Абдумажидов Ғ.А., Алимова Р.А., Арипов Т.Э. ва бошқ.Криминалистика: Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: “Адолат”, 2003 – Б.15.

⁷ Алланазаров О.Д. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш методикасини такомиллаштириш. Ю.ф.б.ф.док(PhD) дис. – Т., 2021. – 64 б.

Жиноятнинг исботлаш предмети ва чегараларини белгилаб олиш борасида ҳам олимларнинг қарашлари турлича бўлиб, жиноятнинг криминалистик тавсифи исботлаш предмети билан ўзаро боғлиқлиги мураккаб масалалардан биридир. Жумладан, Р.Р. Шакуров ва бошқалар муайян турдаги жиноятнинг криминалистик тавсифи элементлари шу жиноятнинг исботлаш предмети ташкил қилишини таъкидлашади⁸.

О.Д. Алланазаровнинг таъкидлашича, юқорида қайд этилган норманинг мазмуни асосан содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш ва уни содир этган шахсни жавобгарликка тортиш учун аҳамиятли хусусиятларини аниқлашга қаратилган. Ваҳоланки, ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона ҳал қилиш учун жиноят таркиби элементларини исботлашнинг ўзи етарли бўлмасдан, қилмишнинг жиноийлигини истисно этадиган (зарурий мудофаа, охирги зарурият ва ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш кабилар), жазони енгиллаштирадиган ва оғирлаштирадиган, жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилишга асос бўладиган ҳолатларни ҳам аниқлаш зарур⁹. Унинг бу қарашларини Б.Е.Есимбетова ҳам маъқуллаган¹⁰. Боиси, жиноий ҳуқуқий нормаларга кўра, ижтимоий хавфли қилмиш муайян шахс томонидан қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган охирги зарурат ё бўлмаса зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган бўлса, шахс жиноий жавобгарликдан озод қилиниши лозимлиги белгиланган. Терговчи жиноят иши доирасида тергов ҳаракатлари билан ушбу ҳолатларни исботламаса шахс ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида жиддий қонунбузилишига олиб келиши, бу эса келгусида терговчининг хатти-ҳаракатларига баҳо берилишига сабаб бўлиши мумкин. Ш.Т.Жумановнинг фикрича, номусга тегиш билан боғлиқ жиноятларда қуйидагилар исботланиши лозим:

- 1) номусга тегиш факти мавжудми ёки йўқми (агар мажбурий жинсий алоқа содир бўлган бўлса бу ҳолат табиийми ёки саҳналаштирилганми, шуларга аниқлик киритиш;
- 2) жиноятчи жабрланувчини номусига тегиш учун қандай усулдан фойдаланганлиги. Қонун жинсий алоқани зўравонлик деб тан олишнинг фақат учта усулини тан олади: жисмоний зўравонлик, таҳдид, ожиз аҳволдан фойдаланиш; ким зўрланган (вояга етган аёл, вояга етмаган), у жисмоний ёки руҳий касалми;
- 3) жиноят содир этган шахс ким, у шунга ўхшаш жиноятни илгари ҳам содир этганми, ўта хавфли рецидивистми ёки йўқми (агар зўрлаш бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса, унда ҳар бирининг роли ва айбдорлик даражаси қандай);
- 4) зўрлаш қандай оқибатларга олиб келган, оғир оқибатларми (жабрланувчининг ўлими, исталмаган ҳомиладорлик, оғир тан жароҳати, руҳий касаллик, таносил касалликлар билан касалланиш ва бошқалар);
- 5) номусга тегиш натижасида жабрланувчига етказилган зарар (моддий ва маънавий) қандай;

⁸ Шакуров Р.Р., Рахимов А. М., Джуманов Ш.Т., Тоштемиров Н. ва бошқ. Бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш хусусиятлари: Ўқув қўлланма. – Т., 2010. –Б. 34.

⁹ Алланазаров.О.Д. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш методикасини такомиллаштириш. Ю.ф.б.ф.док(phD) дис. – Т., 2021. – 64-65 б.

¹⁰ Есимбетова.Б.Е. Қасддан баданга шикаст етказиш жиноятларини тергов қилишни такомиллаштириш. Ю.ф.б.ф.д (phD). – Т, 2023. 84 б.

6) номусга тегиш қасд бор йўқлигини аниқлаш (масалан, номусга тегиш суиқасд ҳам, безорилик қилиш ҳам бўлиши мумкин);

7) жиноят содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар (ахлоқий тарбиянинг йўқлиги, кўчаларнинг ёмон ёритилиши ва бошқалар)¹¹.

ЖКнинг 118-моддасида назарда тутилган номусга тегиш билан боғлиқ жиноятларни фош қилиш ва тергов қилишнинг назарий манбалари ҳамда амалий тажрибасини таҳлил қилиш орқали ушбу тоифадаги жиноят ишлари бўйича аниқланиши ва исботланиши керак бўлган ҳолатларга қуйидагилар киради деган хулосага келдик:

1) жинсий зўрлик бўлганми ёки ихтиёрий жинсий алоқами; жинсий таҳдид бўлган ёки бўлмаганлиги; жинсий таҳдид қилинган пайтда зўрликнинг хусусиятлари қандай шаклда ифодаланганлиги; жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланилган ёки фойдаланилмаганлиги; жиноятдан жабр чеккан шахснинг танасида жароҳатлар бор ёки йўқлиги, агар мавжуд бўлса уларнинг етказилиш механизми вақти, миқдори, биринкетинлиги, оғирлик даражаси ҳамда бошқа ўзига хос хусусиятлари; жабрланувчи томонидан қаршилиқ кўрсатилган ёки кўрсатилмаганлиги, кўрсатилган бўлса қандай шаклда кўрсатилганлиги; жабрланувчининг ёши, унинг хулқ-атвори, жиноят содир этилишига олиб келган ундаги салбий омиллар; жинсий таҳдид хусусиятлари ўзининг мазмунига кўра бошқа жиноятларни ҳам қамраб олганлиги; жиноятдан жабрланган шахснинг жиноят содир этган шахсга нисбатан даъвоси борлиги; жабрланувчи томонидан бўлиб ўтган ҳодиса ҳақида кимларга хабар берилганлиги;

2) жиноят айнан қачон (тунда, кундузи), қаерда (хонадонда, иш жойида, далада, битмаган бинода ва бошқ.); қандай (зарбалар бериш, нафас йўллари сиқиш, оёқлари, қўллари ушлаб туриш, кийимларини йиртиш ёки алкоголь, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ёрдамида таъсир кўрсатиш ёрдамида); жиноят содир этган шахснинг баданида тирналиш, шилиниш ёки бошқа жароҳатларнинг излари мавжудлиги; жинсий алоқа якунланганлиги, шахслардан қолган биологик ажралмалар мавжудлиги; жабрланувчининг танасидаги жароҳатлар номусга тегишга хосми; экспертиза хулосалари билан иш бўйича тўпланган бошқа далилларнинг бир-бирига мутаносиблиги; ҳодиса содир этилган жойда топилган изларнинг содир этилган номусга тегиш жиноятига алоқаси мавжудлиги;

3) ким томонидан (муқаддам судланган шахс, айбланувчининг шахсий хусусиятлари ва шахсини тавсифловчи маълумотлар.) содир этилганлиги; жиноятни содир этган шахс билан жабрланувчининг ўзаро муносабати, қариндошлик даражаси, муқаддам улар ўртасида жинсий яқинлик бўлган ёки бўлмаганлиги; гумон қилинувчини жинсий алоқа қилиш қобилиятига эга ёки эга эмаслиги; айбланувчи илгари ҳам жинсий эркинликка қарши қаратилган жиноятларни содир этганлиги; айбланувчи томонидан жиноят ўлдириш билан кўрқитиб содир этилганлиги; ногиронлик белгисига эга эканлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилганлиги; жабрланувчини тарбиялаш, ўқитиш ва (ёки) унга ғамхўрлик қилиш мажбуриятларини бажараётган шахс томонидан, шунингдек жабрланувчига қараб туриш мажбуриятлари қонун билан зиммасига юклатилган таълим, тарбия, даволаш ёки бошқа муассасанинг ходими томонидан содир этилганлиги; жиноят содир этган шахсларнинг сони, агар улар икки ва ундан ортиқ

¹¹ Джуманов Ш.Т. Криминалистика: Учебник – Академия МВД Республики Узбекистан, 2017.– С.410

бўлса жиноятни содир этишдаги роли, бажарувчи бўлган ёки бўлмаганлиги, ҳар бирининг айнан қандай ҳаракатларни амалга оширганлиги; жиноят содир этган шахснинг зўравонлик ҳаракатлари хусусиятлари;

4) жиноят тўғри ёки эгри қасд билан содир этилганлиги; номусга тегиш жиноятининг содир этилиши оқибатида оғир оқибатларнинг келиб чиққанлиги; жиноят содир этган шахснинг айб шакли, жинсий таҳдиднинг мотиви, мақсади ва усули, жинсий зўрлик қилган шахснинг қилмиши билан келиб чиққан оқибат ўртасида сабабий боғланишни мавжудлиги; жиноят тайёргарлик бўлган ёки бўлмаганлиги; жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар мавжудлиги.

Шунингдек:

- Жиноят-процессуал кодекснинг 83-моддасида кўрсатилган реабилитация учун асослар;

- Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддасида кўрсатилган айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш учун асосларга ҳам эътибор қаратиш лозим.

Шу билан бирга биз тадқиқотимиз давомида номусга тегиш жиноятларини самарали тергов қилинишига тўсқинлик қилаётган бир қанча омилларни аниқладик. Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатдики, аксарият ҳолатларда зўрлик ишлатиб содир этилган номусга тегиш жиноятдан жабрланган шахсларда қаттиқ кўрқув пайдо бўлиб, уларнинг руҳий ҳолатида ўзгаришлар юз берганлиги учун улар билан тергов ҳаракатларини ўтказишнинг мураккабликлар юзага келмоқда. Шу билан бирга номусга тегишдан жабрланган шахсларни жиноят ҳақида ўз вақтида хабар бермаётганлиги, номусга тегиш жиноятлари бўйича терговга қадар текширувни профилактика инспектори, тезкор вакил ёки суриштирувчилар томонидан ўтказилаётганлиги; терговга қадар текширув ва тергов органлари ходимларининг номусга тегиш жинояти бўйича амалга оширилиши лозим бўлган тергов ва процессуал ҳаракатлар мазмуни ҳамда улар бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар юзасидан назарий билим ва амалий кўникмаларини етарли эмаслиги бу турдаги жиноятларни самарали тергов қилинишига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, ҳудудларда номусга тегиш жиноятини фош этиш ҳамда уни содир этган шахсларнинг айбини исботлашда илм-фан тараққиётининг илғор ютуқларидан доимий равишда фойдаланиш имкониятининг йўқлиги, жабрланувчи ва уларнинг яқинлари хавфсизлигини етарли даражада таъминланмаётганлиги каби ташкилий масалалардаги камчиликлар айнан ушбу турдаги жиноятларни ҳар томонлама тергов қилишга тўсқинлик қилмоқда.

Қонунчилик нуқтаи назаридан қараганда амалдаги жиноят-процессуал қонунда оғир ва ўта оғир жиноятлар бўйича рағбатлантирувчи нормаларнинг етарли эмаслиги мазкур йўналишда ҳали қилинадиган ишлар кўплигидан далолат беради.

Номусга тегиш жиноятларини тергов қилишда педагог ва психологларнинг имкониятидан унумли фойдаланилмаётганлиги бу эса терговчиларда далилларни аниқлаш, тўплаш ва текширишда бир қанча қийинчиликларни юзага келтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 28 майдаги «2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида»ги СҚ-297-IV-сон қарорида жамиятнинг турли соҳаларида аёлларнинг нуфузини ошириш ҳақида сўз боради. Шу муносабат билан

Тергов департаменти бошлиғининг 12.04.2021 йилда 75-сонли фармойишида ҳудудий тергов бошқармалари учун аёллар терговчиларни жинсий эркинликка қарши жиноятларни тергов қилишда ролини кучайтиришга эътиборни қаратувчи идоравий-норматив ҳужжат қабул қилинган. Юқоридаги норматив ҳужжатларда белгиланган талаблардан келиб чиқиб ИИБ ҳузуридаги Тергов департаменти ва унинг ҳудудий бўлинмаларида аёл терговчиларнинг фаолиятини кенг кўламда йўл қўйиш лозим.

Бундан ташқари, тадқиқотимиз доирасидаги жиноятни самарали тергов қилишга тўсқинлик қилиувчи яна бир омил номусга тегиш жиноятдан жабр чеккан аёлларнинг бир қисми ўзининг ёки фарзандларининг келажаги ёхуд оиласининг обрўсига зарар етишидан қўрққанлиги учун тергов органларидан мазкур ҳолат бўйича жиноят ишини қўзғатмасликни ва жамиятнинг бошқа аъзолари бундан хабар топмаслигини талаб қилаётганлиги (одатда бундай вазиятларда жабрланувчилар кўрсатув бермайдилар) жиноят ишини Жиноят-процессуал кодекснинг 22-моддаси талабларига биноан ҳар томонлама, тўла ва холисона тергов қилинишига тўсқинлик қилмоқда.

Саналган омиллар номусга тегиш жиноятларини афсуски самарали тергов қилишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Бунинг оқибатида исбот қилишни амалга оширувчи субъектлар томонидан далилларни аниқлаш, тўплаш ва текширишда қийинчиликларни юзага келтирмоқда.

Мухтасар қилганда, номусга тегиш билан боғлиқ жиноятлар бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларни такомиллашуви амалиёт ходимлари томонидан ушбу турдаги жиноят ишлари бўйича терговни тўғри режалаштирилишига, тергов ҳаракатларини синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона олиб борилиши орқали ҳақиқатни аниқлашига хизмат қилади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2023 йил 12 майдаги “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 75 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги ПФ-70-сон Фармони // URL: <https://lex.uz/uz/docs/6464217> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 26.03.2023 й)
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 2023 йил 30 апрель куни қабул қилинган 1 майдан кучга кирган. // URL: <https://lex.uz/docs/6445145> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 24.03.2023).
3. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. URL: <http://constitution.uz/uz/pages/humanrights> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 24.03.2023 й)
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // URL: <https://lex.uz/docs/111460> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 24.03.2022).
5. Жамолдинов.Х.Б. Мирзаев.А.С. Ўзбошимчалик жиноятини тергов қилишда исботланиши лозим бўлган ҳолатлар. // Замонавий тадқиқотлар ахборотномаси 2023 йил. 4-сон июнь. Тошкент – 2023 йил // URL: <https://doi.org/10.5281/zenodo.8048365>
6. Абзалов А.Э. Жабрланувчининг ожиз аҳволдан фойдаланиб содир этиладиган жиноятлар бўйича дастлабки терговнинг хусусиятлари: Юрид.фан. ноз. ... дис. автореф.

– Т., 2006. – Б. 11.

7. З.Ф.Иноғомжонова, Г.З.Тўлаганова «Жиноят-процессуал ҳуқуқи» фанидан ўқув-услубий мажмуа. –Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2012. –433 бет.

8. Жиноят-процессуал ҳуқуқ: Дарслик // юридик фанлар доктори, професор М. А. Ражабова таҳрири остида. Тўлдирилган ва қайта ишланган учинчи нашри. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 490 б.

9. Белкин Р.С. Криминалистика: проблемы сегодняшнего дня. Злободневные вопросы Российской криминалистики ib.maupfib.kg/wp-content/uploads/2015/12/kriminalistika.pdf (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 24.03.2022 й). Филиппова А.Г. Криминалистика: Учебное пособие в схемах// <http://lawlibrary.ru/izdanie503.html> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 24.03.2022 й). Аверьянова, Р.С. Белкин, Ю.Г. Корухов, Е.Р. Россинская; Криминалистика: Учебник для вузов /<https://znanium.com/catalog/document?id=416664> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 24.03.2022 й)

10. Абдумажидов Ғ.А., Алимова Р.А., Арипов Т.Э. ва бошқ.Криминалистика: Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: “Адолат”, 2003 – Б.15.

11. Алланазаров О.Д. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш методикасини такомиллаштириш. Ю.ф.б.ф.док(phD) дис. – Т., 2021. – 64 б.

12. Шакуров Р.Р., Рахимов А. М., Джуманов Ш.Т., Тоштемиров Н. ва бошқ. Бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш хусусиятлари: Ўқув қўлланма. – Т., 2010. –Б. 34.

13. Куринов Б.А. Научные основы квалификации преступлений. awlibrary.ru/izdanie12115.html (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 04.03.2022 й)

14. Алланазаров.О.Д. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш методикасини такомиллаштириш. Ю.ф.б.ф.док(phD) дис. – Т., 2021. – 64-65 б.

15. Есимбетова.Б.Е. Қасддан баданга шикаст етказиш жиноятларини тергов қилишни такомиллаштириш. Ю.ф.б.ф.д (phD). – Т, 2023. 84 б.

16. Джуманов Ш.Т. Криминалистика: Учебник – Академия МВД Республики Узбекистан, 2017.– С.410